Эрурсен шоҳ, агар огоҳсен сен, Агар огоҳсен сен, шоҳсен сен

ХАБАР خبر

Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлиги нашри

1992 йил мартдан чиқа бошлаган • 2000 йил, 30 июнь, жума № 25 (408) Сотувда нархи эркин

ЁЗДА ГАЗЕТАЛАР КАМ ЎҚИЛАДИМИ?

Бу саволга «Матбуот тарқатувчи» акциядорлик компанияси бош директори Рустам Саидович ҚОСИМОВ «Йўқ» дея жавоб берди.

– Одамлар орасида юрадиган бу гапга мен қўшилмайман, – дейди «Матбуот тарқатувчи» акциядорлик компанияси бош директори. – Аслида зиёга интилувчи, қайноқ фикрга ташна одам ҳар қандай шароитда ҳам газета-журнал олиб ўқийди. Тўғри, ёз мавсумида айрим газеталарнинг сони сотувда 5-8 фоизга камайди. Бу ишчи-хизматчилар, олий ва ўрта махсус ўқув юртлари талабаларининг таътилга чиқиши билан ҳам боғлиқдир. Бунда нашрларга бўлган талаб ва эҳтиёж ҳам ҳисобга олинади. Сентябрь ойидан бошлаб эса газеталар сони кейинги йилнинг апрель ойигача ўсиб боради. Газета-журналларга обуна бўлганлар эса ҳеч қандай узилишларсиз нашрларни олишади.

– Рустам Саидович, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Даврий матбуотни тарқатувчи корхоналарни қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қароридан сўнг акциядорлик компаниясида қандай ўзгаришлар бўлди?

– Мазкур қарорнинг қабул қилиниши матбуот тарқатувчи корхоналар учун жуда муҳим бўлди. Жорий йилнинг иккинчи ярим йиллиги учун обуна каталоги ишлаб чиқилди. Бунда даврий матбуотни авиация ва темир йўлда ташиш билан боғлиқ харажатларнинг 50 фоизи давлат томонидан қопланиши ҳисобга олинди. Шунга мувофиқ обуна нархи ҳам арзонлашди.

– Таҳририятларнинг талаб ва эҳтиёжларга кўра газета дўконларига газеталар чиқарилмайди деган эътирозларига қандай қарайсиз?

– Ҳар бир газета дўконларига ўша дўкон жойлашган ҳудуддаги аҳоли эҳтиёжи ва талабларига кўра нашрлар чиқарилади. Ҳатто газета дўкони сотувчиларининг буюртмаларида кўрсатилганидан зиёд газеталарни сотувга чиқарамиз. Аммо газетхон ўзига ёққан нашрни харид қилади. Талаб ва эҳтиёжни ўрганиш борасида акциядорлик компаниямизнинг маркетинг хизмати мутахассислари амалий ишлар олиб боришмоқда. Ҳали бу борада қиладиган ишларимиз ҳам кўп.

Шу ўринда ўзимнинг баъзи бир мулоҳазаларимни билдирмоқчиман. Хўш, бугунги кунда муштарийларга тақдим қилинаётган нашрларнинг савияси, сифати қандай? Ўқувчилар талаб-истакларига жавоб бера оладими? Бу ҳам муҳим масала. Эътироз билдиришдан олдин масаланинг мана шу томонларига ҳам эътибор бериш керак деб ўйлайман. Бозорда яхши маҳсулот харидорсиз қолмайди. Таҳририятдагилар мени тўғри тушунишларини истардим. Ҳақли эътирозларни ҳамиша қабул қиламиз. Айни пайтда журналистлардан газета сотиш борасида учрайдиган муаммоларни биргаликда ҳал этишда ёрдам кутамиз ва улар билан ҳамкорлик қилишга тайёрмиз.

Абдуғани АБДУРАҲМОНОВ суҳбатлашди

ДИҚҚАТ-ЭЪТИБОРДА: МАРКЕТИНГ ВА МОНИТОРИНГ

Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлигида «Почта ва телекоммуникациялар соҳасида маркетинг тадқиқотлари ҳамда мониторингни ўрганиш ва тадбиқ қилиш, 2003 йилгача почта, телекоммуникациялар соҳасида маркетинг дастурлари»га бағишланган семинар-кенгаш бўлиб ўтди. Унда почта ва телекоммуникациялар корхоналарида замонавий маркетингнинг аҳволи, мазкур соҳада маркетинг тадқиқотлари ва мониторингнинг роли, маркетинг фаолиятини ривожлантириш, маркетинг дастурларини жорий қилиш каби мавзуларда маърузалар ўқилди.

Шунингдек, семинар қатнашчиларини қизиқтирган саволларга жавоблар берилди.

Жамолиддин ҚОБИЛОВ

«МАҲАЛЛИЙ ТЕЛЕКОМ»: ЯКУН ВА РЕЖАЛАР

«Маҳаллий Телеком» акциядорлик компанияси ҳиссадорларининг йиғилиши бўлиб ўтди. Уни Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлиги бош директори ўринбосари, АК кузатув кенгаши раиси Ш. Обидхўжаев бошқарди.

Йиғилишда «Маҳаллий Телеком» АК бош директори А. Жўрабоев ўтган йил иш якунлари ва 2000 йилдаги вазифалар тўғрисида маъруза қилди.

Ўтган йили компания тасаруффидаги корхоналар томонидан 16,3 миллиард сўмлик, жумладан аҳолига 6,5 миллиард сўмлик алоқа хизмати кўрсатилди. Соф фойда 450,4 миллион сўмни ташкил этди.

Кўрилган кескин чораларга қарамай, дебитор қарздорлик 1,5 миллиард сўмни ташкил қилди. Ўтган йил мобайнида эски автомат шаҳарлараро телефон станциялари янги, рақамли станцияларга алмаштириб борилди. Жойларда 252,5 минг рақамга мўлжалланган рақамли АТСлар бунёд этилди. 3,0 миллиард сўмлик капитал қўйилмалар ўзлаштирилди. Компаниянинг «Тошкент шаҳар телефон тармоғи» ҲЖ, Хоразм ва Бухоро вилоятлари давлат электралоқа корхоналари ўз вазифаларини муваффақият билан бажаришди. Компания раҳбари ички имкониятлардан тўлиқ фойдаланилмаётганлигини, жорий йилда бунга жиддий эътибор зарурлигини айтиб ўтди.

Мазкур ҳисобот маърузаси юзасидан бўлган муҳокамаларда алоқа корхоналари ва ташкилотлари раҳбар ҳамда мутахассислари – С. Аъзамов, С. Умаров, Р. Раимова, Т. Бикметов, М. Кожакин, С. Парпиев, М. Каримов, Т. Назаржоновлар сўзга чиқишди.

Ҳиссадорлар йиғилишида «Маҳаллий Телеком» АКнинг ўтган йилги иш фаолияти қониқарли деб баҳоланди. Шунингдек, йиғилишда келгуси вазифалар белгилаб олинди ва кун тартибидаги масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

К. ТЎЛАГАНОВ

«СОҒЛОМ АВЛОД ЙИЛИ»ГА БАҒИШЛАНДИ

Нукус шаҳрида Қорақалпоғистон Республикаси алоқачилари ўртасида «Соғлом авлод йили»га бағишланган иккинчи тур спартакиада ўйинлари бўлиб ўтди. Унда спортнинг мини футбол, волейбол, арқон тортиш ва эстафета турлари бўйича 15 та жамоадан командалар иштирок этишди. Бозатау туман электралоқа боғламаси командаси эстафета мусобақасида биринчи, арқон тортишда иккинчи ва умумий команда ҳисобида Тўрткўл туман электралоқа боғламасидан сўнг иккинчи ўринни эгаллаб, Республика алоқа ходимлари касаба уюшмаси марказий қўмитасининг иккинчи даражали дипломи ва қимматбаҳо совғалар билан мукофотланди.

А. АХЫМБЕТОВ, Қорақалпоғистон Республикаси Бозатау туман электралоқа боғламаси касаба уюшмаси раиси

ОЛАМДА НИМА ГАП?

• ЯНГИЛИКЛАР • ВОҚЕАЛАР • ХАБАРЛАР

• Матбуотда «Иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ва ижтимоий нафақалар миқдорини ошириш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони эълон қилинди.

• Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Шарқшунослик институти олимларининг илмий изланишлари натижасида мазкур институтнинг қўлёзмалар хазинасида ал-Мотуридийнинг форс тилида ёзилган тажвид-Қуръонни талаффуз қоидалари билан ўқишга оид асари мавжудлиги аниқланди.

• Республикамизда нашр этиладиган журналлар сони яна биттага кўпайди. Тошкент шаҳар хотин-қизлар қўмитаси муассислигида «Машҳура» янги журнали нашрдан чиқди. Бу журналда хотин-қизларнинг ҳаёти, тақдири, меҳнати ва муаммолари ҳақида мақолалар бериб борилади.

• Олимларнинг ҳисобича, дунё бўйича 1999 йили фазовий тадқиқотлар соҳасидан олинаётган даромад 96 миллиард АҚШ долларига етган. Аввалги йили бу кўрсаткич 87 миллиард АҚШ долларини ташкил этган эди.

• Хитой ҳукумати кейинги ўн йил давомида Пекин атрофидаги 4,3 миллион гектар майдонга кўчат ўтқазишни режалаштирмоқда. Дарахтлар Гоби чўлидан Пекин шаҳрига ёпирилиб келаётган қум бўронларига тўсиқ бўлади.

• Парижда Европанинг самолёт ишлаб чиқарувчи Эйрбас Индастури компанияси вакиллари ўзлари ишлаб чиқармоқчи бўлаётган 550 ўринли энг катта ҳаво кемасига буюртмалар қабул қилишга тайёр эканликларини расман эълон қилишди. Бу баҳайбат лайнер 30 йилдан бериб биринчиликни ҳеч кимга бермай келаётган «Боинг-747»ни йўловчиларга мўлжалланган жойининг 100 тага кўплиги билан ортда қолдиради.

АЗИЗ МУШТАРИЙЛАР!

«ХАБАР» газетасига 2000 йилнинг иккинчи ярим йиллиги учун обуна давом этмоқда:

Нашр кўрсаткичи:

Якка тартибдаги обуначилар учун 227.

Ташкилот ва корхоналар учун 228.

Ҳар ҳафтанинг муборак жума куни «Хабар»ни олишга шошилинг!

КУЧ — АДОЛАТДА

«Халқаро Телеком» акциядорлик компаниясига қарашли Республика радиоалоқа, радиоэшитириш ва телевидение ишлаб чиқариш бирлашмасининг собиқ бошлиғи ўзининг ишдан ноқонуний бўшатилгани ҳақида даъво аризаси билан судга мурожаат қилган эди.

Тошкент шаҳар, Мирзо Улуғбек туман судида мазкур даъво билан боғлиқ бир ойдан ортиқ вақт давом этган суд жараёни ўз поёнига етди. Суд жараёнида даъвогар ва жавобгар томонидан кўплаб мутахассислар қатнашдилар. Ва ниҳоят суд «Ҳал қилув қарори»ни чиқарди.

Мухбиримиз судда «Халқаро Телеком» АКнинг ишончли вакили сифатида қатнашган Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлиги юридик-ҳуқуқий бўлимининг бошлиғи Маъруфжон ТОЖИБОЕВ билан суҳбатлашди.

– **Сиз суд жараёнида ишончли вакил, адвокат сифатида иштирок этдингиз, айтингчи можаро нимадан бошланган эди?**

– Суд жараёнида мен билан бирга агентлик юридик-ҳуқуқий бўлими бошлиғи ўринбосари Маҳамадали Турғунов, «Халқаро Телеком» АК ходимлар, ташкилий ишларни мувофиқлаштириш ва назорат бўлими бошлиғи Дилором Зарибекова ва юридик хизмат бўлими бошлиғи Шуҳрат Зиёмуҳамедовлар «Халқаро Телеком» АКнинг можарога сабаб бўлган буйруғини асосли эканлигини ҳимоя қилдилар.

«Халқаро Телеком» АК Кузатув Кенгашининг раҳбарни лавозимидан бўшатиш бўйича ўтказган навбатдан ташқари йиғилишида Республика радиоалоқа, радиоэшиттириш ва телевидение ишлаб чиқариш бирлашмаси (РРРТИЧБ)нинг кейинги пайтда молиявий аҳволи оғирлашганлиги, бунинг асосий сабабларидан бири корхона раҳбарининг мутахассисларни танлаш, жой-жойига қўйиш, бозор иқтисодиёти шароитида имкониятлардан оқилона ва тўғри фойдалана олмаганлигидадир, деб баҳо берилган эди.

Бундан ташқари РРРТИЧБ раҳбари юқори ташкилотлар, шу жумладан давлат ваколатига эга бўлган ташкилотнинг топшириқларини писанд қилмай келди. Шунингдек, собиқ бошлиқ айрим давлат аҳамиятига молик объектларни ўзбошимчалик билан тугатишга қарор қилган.

«Халқаро Телеком» АК раҳбарияти корхонанинг молиявий аҳволини яхшилаш мақсадида ўтказган йиғилишларида РРРТИЧБ раҳбарининг иштирок этишдан бош тортганлиги учун ўртада тузилган меҳнат шартномасини бекор қилишга мажбур бўлди. Бу эса, ўз навбатида иккинчи томоннинг судга даъво аризаси билан чиқишига сабаб бўлди.

Можаронинг қисқача тарихи ана шундай.

– **Беихтиёр корхоналар мустақиллиги ҳақида савол туғилади. Корхоналар ўз мулкини ўз ҳолича тасарруф қила олмайдими?**

– Республикамизда мустақиллик йиллари қабул қилинган «Корхоналар тўғрисида», «Мулк тўғрисида»ги қонунларда мулк шаклидан қатъий назар, корхоналар мустақиллигини таъминлаш қоидалари баён қилинган.

Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодексида эса корхона ва мулкдорлар ўртасидаги хилма-хил муносабатлар ҳақидаги қоидалар ўз аксини топган. Корхоналар ўз Низомларини юқоридаги қонун-қоидалар асосида тузишлари керак. Ҳар хил талқинга йўл қўйилмаслиги лозим. Масалан, давлат мулки асосида ташкил қилинган корхона мулкдан хўжалик юритиш ҳуқуқи асосида фойдаланади ва фақат мулкдорнинг розилиги билангина тасарруф этишга ҳақли эканлиги Фуқаролик кодексида белгиланган. Бу қоида «Корхоналар тўғрисидаги»ги қонунда ҳам ўз аксини топган. Аммо айрим ҳолларда давлат корхоналари мулкини жамоа бутунлай ўзиники деб ҳисоблаши натижасида баъзан ноқонуний ҳолатлар вужудга келиши мумкин. Бундай ҳолатлар жавобгарликка сабаб бўлиши мумкин. АК ва ҲЖларида мулкий ҳуқуқлар Кузатув Кенгашидаги ишончли вакил томонидан назорат қилиб турилади, давлат мулки асосидаги корхоналарда бундай бошқарув органи йўқ, унинг ўрнини мулкдор вакил қилган орган эгаллайди ва бу мулкни ҳар қандай ҳолатда тасарруф қилиниши учун вакил ташкилотдан розилик олиши лозим бўлади. Корхона ўзи ишлаб чиқарган маҳсулотни, агар қонун ҳужжатларида ўзгача тартиб белгилаб қўйилган бўлмаса, ўзи мустақил тасарруф этади.

– **Шу ўринда корхона раҳбарларини ишга ёллаш ва меҳнат интизоми ҳақида ҳам сўз юритсак. Маълумки, агентлик тизимида ҳар хил турдаги корхоналар ташкил этилган. Уларни бошқаришда қандай ҳужжатларга амал қилинади?**

– Жавобни аввало меҳнат интизомидан бошласак, бу ҳар қандай ютуқ учун муҳим омил эканлиги ҳеч кимга сир эмас. Республика ҳукумати ҳам бунга катта аҳамият бериб келмоқда. Бунга Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил, 12 январдаги «Ижро интизомини мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2000 йил, 11 февралдаги «1999 йилда Республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва иқтисодий ислоҳотларнинг боришини баҳолаш ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг иккинчи чақириқ Олий Мажлис I - сессиясидаги маъразасидан келиб чиқадиган биринчи навбатдаги вазифалар тўғрисида»ги қарори ва бошқа қарор ҳамда фармойишларни мисол қилиш мумкин. Шунингдек, агентлик Бош директори Ф. С. Абдуллаевнинг «Хабар» газетаси мухбири билан қилган суҳбатида («Хабар», 2000 йил, 7 апрель, 13-сон) ҳам ижро интизоми ҳақида ибратли мулоҳазалар билдирилган.

Ишга ёллаш Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодекси қоидалари асосида олиб борилади. Томонлар ўртасида Меҳнат шартномаси тузилади ва шу асосда ишга қабул қилиш буйруқ чиқариш билан расмийлаштирилади. Бундан ташқари, корхоналарнинг ўзида «Ички меҳнат тартиби қоидалари» бўлиб, унга ҳамманинг бўйсуниши шарт. Раҳбарчи? Раҳбар биринчи навбатда шу ички тартибга риоя қилиши ва бошқаларга ўрнак бўлиши керак. Шунингдек, у билан тузилган шартномада иш берувчи ҳамда унинг ҳуқуқ ва бурчлари белгилаб қўйилган. Бундан ташқари, бир марта қўпол хатолар сирасининг рўйхати берилади, бу хатога йўл қўйиш у билан тузилган меҳнат шартномасининг муддатидан олдин (агар муддатли бўлса) бекор қилинишига олиб келади.

Шунингдек, корхона раҳбари учун ижро ва технология интизомига риоя қилиш муҳим хислат бўлиши керак. Бунинг замирида нима ётади? Ҳуқуқий давлатда ҳар бир ҳаракат ёки ҳаракатсизлик қонун ва бошқа ҳужжатларда белгиланган тарзда содир этилиши керак. Ҳаракат ёки ҳаракатсизлик меҳнат, ижро ёхуд технология интизомининг бузилишига олиб келиши мумкин. Суд жараёнида радиостанцияни йўриқномада белгилангандек демонтаж қилмаганлик нотўғри ҳаракат, демонтаж қилинган станция ускуналарини йўриқномада белгилангандек сақламаслик ҳаракатсизлик деб баҳоланди. Ўз ўрнида улар ижро ва технология интизомини бузилиши дейилиб, интизомий жазога лойиқ деб кўрсатилди. Шу сабабли суд буйруқни ўз кучида қолдириш тўғрисида ҳал қилув қарорини чиқарди.

– **Сиз суд жараёнида адвокат сифатида иштирок этдингиз, бунинг ҳуқуқий асоси ҳақида ҳам икки оғиз сўзлаб берсангиз?**

– Алоқа соҳасида ҳуқуқий маданиятни ошириш, ҳуқуқий ҳимояни яхшилаш, агентлик ва унинг тизимидаги почта ва телекоммуникациялар корхоналарига ҳуқуқий ёрдамни кучайтириш ҳамда керакли қонун ва меъёрий ҳужжатларни тез етказиб бериш мақсадида «Адолат кучи» адвокатлик фирмасини ташкил қилдик. Фирма Тошкент шаҳар Адлия бошқармасидан 2000 йил, 9 июнда 82-рақам билан давлат рўйхатидан ўтказилди. Фирма корхоналарга шартнома асосида хизмат кўрсатади, уларнинг топшириғига биноан суд, хўжалик судида уларнинг манфаатини ҳимоя қилади, шартнома ва керакли ҳужжатларни расмийлаштиришда кўмаклашади. Фирманинг номини соҳибқирон Амир Темурнинг «Куч — адолатда» деган ҳикматли сўзидан олдик. Дарҳақиқат, ишимизнинг асосий мезони ҳам адолатдир.

Алижон СОБИРОВ
суҳбатлашди

• *Сизга қандай хизмат кўрсатишмоқда?*

МЕҲНАТ ҚИЛГАН АЗИЗ

«Бухоро почтаси» ҳиссадорлик жамияти Ғиждувон филиали, Сактари алоқа бўлимида бўлган киши алоқа ходимларининг қўли-қўлига тегмай ишлаётганига гувоҳ бўлади. Туман марказидан анча узоқда жойлашган бу алоқа бўлимида 4 киши ишлайди. Серғайрат алоқачилар жами 12 та қишлоққа хизмат кўрсатишади. Адоқ, Обкена, Мирокон, Янгиобод, Явожин сингари ва бошқа бир қатор қишлоқларга кундалик матбуот нашрлари, хат-хабар ҳамда жўнатмалар ўз вақтида етказиб берилмоқда. Ҳар бир қишлоқда 120–130 тадан хонадон бор.

Сактари алоқа бўлими ходимлари 1400 нафар пенсионер, 203 нафар ногирон, 109 нафар уруш қатнашчисига, шу ҳудудда истиқомат қиладиган қишлоқ меҳнаткашларига хизмат кўрсатишмоқда.

Алоқа бўлимига 26 йилдирки Мавжуда Тоҳирова бошчилик қилиб келяпти. У Навоий вилоятининг Қизилтепа тумани, «Бўстон» қишлоғида туғилиб ўсган. Мавжуданинг оиласини почтачилар оиласи деса бўлади. Онаси Муборак Салимова узоқ йиллар давомида ана шу соҳада ишлаган. Мавжуда Тоҳированинг умр йўлдоши Неъматилло Холов ҳозирги пайтда «Навоий почтаси» ҳиссадорлик жамиятининг Қизилтепа филиалида ҳисобчи бўлиб ишлаяпти. Ўғиллари Баҳодир ҳам ота-онаси касбини танлаган. У Сактари алоқа бўлимида хат ташувчи.

М. Тоҳирова ўз меҳнат жамоаси аъзолари ишини тўғри ташкил эта олган аёл. Иш вақтидан унумли фойдаланиш, газета-журнал, хат-хабар, телеграммаларни ўз вақтида эгаларига етказиш кундалик иш меъёрига айланган. 20-22 йилдан бери бу ерда самарали иш олиб бораётган Камол Жалолов, Қувват Муҳиддинов, Баҳодир Холов сингари алоқа бўлими ходимларининг жонкуярлик кўрсатаётганликлари туфайли яхши натижаларга эришиляпти.

Ўтган йили Республикамиз Мустақиллигининг 8 йиллик байрамида Мавжуда Тоҳирова қувончига қувонч қўшилди. У аҳолига почта хизмати кўрсатишдаги кўп йиллик, ҳалол хизматлари учун агентликнинг «Аъло даражали мутахассис» фахрий нишони билан тақдирланди.

Меҳнат қилган элда азиз деб бежиз айтишмайди.

А. ИСТАМОВ,
Бухоро вилояти

Газетамизнинг 23 июнь, 24-сонидаги 4-саҳифасида ҳафталик теледастур айрим техник сабабларга кўра, нотўғри берилган. Айбдорлар жазоланди. Йўл қўйилган хатолик учун муштарийларимиздан узр сўраймиз.

ЭЪЛОН!

Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлиги ва алоқа ходимлари касаба уюшмаси марказий қўмитасининг қарорига асосан ўтказилаётган Ўзбекистон алоқа ходимлари спартакиадасининг финал босқич ўйинлари шу йилнинг 3 – 6 июль кунлари Тошкент шаҳрида, Алоқа коллежида бўлиб ўтади.

Мазкур спартакиадада иштирок этиш истагида бўлганлар республика алоқа ходимлари касаба уюшмаси марказий қўмитасига қуйидаги факсга ёзма равишда хабар қилишларини сўраймиз: 133-92-90.

Командаларнинг Тошкент шаҳрида меҳмонхонада яшаш ҳамда овқатланиш харажатлари Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлиги ҳисобидан қопланади.

Ўзбекистон алоқа ходимлари касаба уюшмаси марказий қўмитаси

МУСОБАҚАЛАР ДАВОМ ЭТМОҚДА

Алоқачилар ўртасида мини футбол бўйича 23 – 24 июнь кунлари ўтказилган ўйинларда қуйидаги натижалар қайд этилди:

ФТМТМ – «МТУ» ҲЖ 1:2.
ДФХ – ДАИ 4:1
ЭМММ – Алоқабанк 4:2.
Алоқа коллежи – ШАТҲИЧБ 6:2.

1 июлда қуйидаги ўйинлар бўлиб ўтади:

9-00 РТИРБ – «Ўзбекистон почтаси» ДАК
10-00 «ТШТТ» ҲЖ – «Ўздунробита» ҚК
11-00 МАТБ – ЎзПТА
12-00 РТУМ – ДАИ

А – ГУРУҲИ

т/р	Жамоалар	Ў	Ю	Д	М	Т-Н	Б	О
1.	ДФХ	3	3	-	-	10–5	+5	9
2.	«Ўзбекистон почтаси» ДАК	2	2	-	-	5–1	+4	6
3.	ФТМТМ	3	2	-	1	22–8	+14	6
4.	«МТУ» ҲЖ	3	2	-	1	11–5	+6	6
5.	ДАИ	2	-	-	2	2–6	-4	0
6.	ТЭАИ	2	-	-	2	2–6	-4	0
7.	РТИРБ	1	-	-	1	3–10	-7	0
8.	РТУМ	2	-	-	2	4–18	-14	0

Б – ГУРУҲИ

т/р	Жамоалар	Ў	Ю	Д	М	Т-Н	Б	О
1.	«Алоқабанк»	3	2	1	-	22–15	+7	7
2.	«Ўздунробита» ҚК	2	2	-	-	8–2	+6	6
3.	«ТШТТ» ҲЖ	2	2	-	-	8–3	+5	6
4.	Алоқа коллежи	3	1	1	1	15–12	+3	4
5.	ЎзПТА	2	1	-	1	11–7	+4	3
6.	МАТБ	1	-	-	1	3–5	-2	0
7.	ШАТҲИЧБ	2	-	-	2	5–14	-9	0
8.	ЭМММ	3	-	-	3	5–18	-13	0

COSCOM GSM уяли алоқа хизматларидан фойдаланинг!

ДУШАНБА, 3

«Ўзбекистон» телеканали

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» 8.00-8.40 «Таҳлилнома». * 8.40 «Ўзбектелефильм» намойиши: «Гўзаллик оламида», «Миниатюра - ранг тасвири». 9.00 Лирик тароналар. 9.30 «Ўзлик». Бадиий-публицистик кўрсатув. 10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгиликлар. Болаларнинг ёзги таътил кунларида. 10.05 «Олтин тож». Телевизион ўйин. 10.25 Кундузги сеанс: «Қизалоқ, фильмда ўйнашни хоҳлайсанми?» Бадиий фильм. 11.45 ТВ-анонс. 12.05 «Соғлом авлод - бу бизнинг келажагимиз». 12.45 «Мен билган, билмаган дунё». 13.05 «Оталар чойхонаси». Мусиқий дам олиш дастури. 14.10 «Жавҳар». Публицистик кўрсатув. 14.30 ТВ-клип. 14.40 «Ўзбектелефильм» намойиши: «Қуёшдан тўкилган зарралар». 15.00 «Озод ва обод юрт». 15.20 ТВ-анонс. 15.30 «Малласоч малика». Бадиий фильм. 16.50 «Шу Ватанга бордур менинг керагим». 17.10 «Мусиқа ва замон». 17.40 «Зарғалдоқ». Мультфильм. 18.10 Болалар учун. «Қувноқлар даврасида». 18.30 «Тафсилот». 18.50 «Бахтли воқеа». 19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Эълонлар. 19.30 «Ахборот» (рус тилида). 20.00 Оқшом эртаклари. 20.15 Биржа ва банк хабарлари. 20.30 «Ахборот». 21.05 «Қўшиғимиз Сизга армуғон». Савдо ва маиший хизмат ходимлари кунига бағишланган мусиқий дастур. 22.00 «Австралиянинг ёввойи табиати». Телесериал. 1-қисм. 22.55 «Маънавият» дастури. 23.30 «Футбол шарҳи». 23.45 «Ахборот». 00.20 «Мудҳиш хато». Бадиий фильм. 1.55-2.00 Ватан тимсоллари.

«Ёшлар» телеканали

Телетомошабинлар диққатига! Профилактика муносабати билан душанба, 3 июл «Ёшлар» телеканали соат 15.00. бошланади.

15.00 Кўрсатувлар дастури. 15.05 «Янги авлод»: «Ким эпчил-у, ким чаққон?», «Ассалом, оромгоҳ». 15.55 «Мусиқий лаҳзалар». 16.05 «Ёшлар ва маънавият». 16.20 «Саломат бўлинг». 16.40 «Олтин мерос». 16.55 «Ёзги таътил». «Самовий саргузаштлар». Видеофильм. 15-қисм. 17.20 «Мусиқий лаҳзалар». 17.30 «Янги авлод» почтаси, «Шум болалар», «Мультптомоша». 18.05 «Дастхат». 18.25 «Ўзбегим кураши». 18.45 «Мусиқий лаҳзалар». 18.55 «Иқлим». 19.00 «Давр». Ахборот дастури. 19.30 «ТВ-анонс ва эколаш». 19.35 «Душанба дастуридагилар ва бошқалар»: Истеъдод-2000. 20.00 «Қишлоқдаги тенгдошим». 20.20, 21.10, 22.30 Эълонлар. 20.25 «Даллас». Телесериал. 21.15 «Бир пиёла чой устида». 21.35 «Ёшлик қўшиқлари». 21.55 «Иқлим». 22.00 «Давр». Ахборот дастури. 22.30 «Мусиқий лаҳзалар». 22.40 «Эколаш». 22.45 «Муҳаббат қаҳваси». Телесериал. 23.30 «Давр». Ахборот дастури. 23.45 «Ёшлар» телеканалида спорт: «Ринг қироллари». 0.45-0.50 «Тонг юлдузи».

«Тошкент» телеканали

17.55 Кўрсатувлар тартиби. 18.00, 21.00, 22.30, 00.05 «Пойтахт». Ахборот дастури. 18.20 «Сен ҳақингда ва сен учун». 18.40 «Экспресс» телегазетаси. 19.05, 20.15 «Табриклаймиз, кутлаймиз». 19.35 ТТВда сериал: «Қора дур доналари». 21.20 «Омад» тележурнали. 22.20 «Мусиқий лаҳзалар». 22.50 «Экспресс» телегазетаси. 23.15 Оҳанглар ва эълонлар. 23.20 ТТВда сериал: «Машҳур ва бадавлат одамлар». 00.25 «Хайрли тун, шаҳрим!»

«Халқаро» телеканал

РЖТ 6.30-8.00 * 14.50-15.50 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ. * 15.50 Кўрсатувлар тартиби. 15.55 «Бобил минораси». Телесериал. 17.00 Мультчархпалак. 17.20 «Комикслар йиғмаси». 17.50 «Бугун оламда». Ахборот кўрсатуви. РЖТ 18.00 Монте Карло-2000. 19.45 «Хайрли тун, кичкинтойлар!». 20.00 «Время». 20.40 «Махфий ҳужжатлар» (X-Files). сериали. * 21.35 «Дил изҳори». 22.00 «Вести». 22.30 «Дил изҳори». 23.00 «Соккер-клуб». 23.30 «Ахборот» (рус тилида). 23.55 Кинематограф. «Ягуар». Бадиий фильм. 1.30 «Тунингиз осуда бўлсин!»

СЕШАНБА, 4

«Ўзбекистон» телеканали

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» 8.00-8.35 «Ахборот». * 8.35 Марказий газеталар шарҳи. 8.50 «Қуёшли юрт қўшиқлари». Мусиқий дастур. 9.10 «Ўзбектелефильм» намойиши: «Тўй либослари». 9.30 ТВ-клип. 9.40 «Шарқнинг машҳур аёллари». 10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгиликлар. 10.05 Янги алифбони ўрганамиз. Болаларнинг ёзги таътил кунларида. 10.25 Болалар учун. «Қузмунчоқ». 10.45 Кундузги сеанс: «Қойилмақом иш». Бадиий фильм. 11.55 «Аския». 12.05 «Маънавият» дастури. 12.40 ТВ-анонс. 12.50 «Тиббиёт оламида». 13.00 «Австралиянинг ёввойи табиати». Телесериал. 1-қисм. 13.55 ТВ-клип. 14.10 «Қишлоқ ҳақида ўйлар». 14.30 Эстрада тароналари. 15.00 «Чемпион билан учрашув». Спорт дастури. 15.15 ТВ-анонс. 15.25 «Ўйланиш». Бадиий фильм. 17.00 «Ватанимга хизмат қиламан». 18.10 Болалар учун. «Фламинго». 18.30 ТВ-клип. 18.40 «Солиқ ва назорат». 18.55 «Куйла, ёшлигим». Мусиқий дастур. 19.10 «Мулкдор». 19.25, 19.55, 20.25, 21.00, 21.30 Эълонлар. 19.30 «Ахборот» (рус тилида). 20.00 Оқшом эртаклари. 20.15 «Аруз гулшани». 20.30 «Ахборот». 21.05 «Наво таралсин». Мусиқий дастур. 21.35 «Тараққиёт йўли». 21.55 Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 9 йиллиги олдидан «Буюк аждодларимиз». Имом-ал Мотуридий. 22.15 «Оқ йўл, олимпиадачилар!» 22.25 «Тўйлар муборак». Бадиий фильм. 23.30 «Ахборот». 00.05-00.10 Ватан тимсоллари.

«Ёшлар» телеканали

8.55 Кўрсатувлар дастури. 9.00 «Давр». Ахборот дастури. 9.15 «Янги авлод» почтаси, «Шум болалар», «Мультптомоша». 9.50 «Мусиқий лаҳзалар». 10.00 «Аср қиёфаси». 10.20 «2000 йилдан сўнг». Телесериал. 45-қисм. 10.40 «Мусиқий дастур». 10.55 «Муҳаббат қаҳваси». Телесериал. 11.40 «Садо-99» саҳифаларидан. 11.55 «Душанба дастуридагилар ва бошқалар»: «Истеъдод-2000». 12.20 «Ёшлар» телеканалида спорт: «Ринг қироллари». 13.20 «Мусиқий лаҳзалар». 13.35 «Дастхат». 13.55 «Даллас». Телесериал. 14.40 «Мусиқий дастур». 15.00 «Баҳс». 15.20 «Бу мунис лаҳзалар». 15.40 «Жаҳон эстрадаси». 15.55 «Нақшлар бўстони». Телефильм. 16.10 «Мусиқий лаҳзалар». 16.25 «Кўрсатувлар дастури». 16.30 «Янги авлод»: «Соғлом авлод». Телеўйин, «Мультптомоша». 17.05 «Жаҳон жўғрофияси». «Ёнар қоялар». 17.55 «Ёшлик наволари». 18.10 «Таянч». 18.25 «Абитуриент-2000». 18.45 «Мусиқий лаҳзалар». 18.55 «Иқлим». 19.00 «Давр». Ахборот дастури. 19.30 «ТВ-анонс ва эколаш». 19.35 «Ватан манзаралари». 19.55 «Мусиқий лаҳзалар». 20.00 «Давр-интервью». 20.15 Танишинг: Зоирбек Турдиев. 20.35, 21.25, 22.30 Эълонлар. 20.40 «Даллас» Телесериал. 21.30 «Ёшлар овози». 21.50 «Мусиқий лаҳзалар». 21.55 «Иқлим». 22.00 «Давр». Ахборот дастури. 22.30 «Мусиқий лаҳзалар». 22.40 «Эколаш». 22.45 «Муҳаббат қаҳваси». Телесериал. 23.30 «Давр». Ахборот дастури. 23.45 «Мусиқий глобус». 24.00 «Ёшлар» телеканалида спорт: Теннис. 1.00-1.05 «Янги тонг».

«Тошкент» телеканали

7.30 «Соғлом бўлай десангиз». 7.40 «Пойтахт». Ахборот дастури. 8.00 «Экспресс» телегазетаси. 8.25 «Дилором наволар». 8.40 «Омад» тележурнали. 9.40 Болаларнинг ёзги таътил кунларида. «Шумтакалар». Мультфильм. 37, 38-қисмлар. 10.10 «Халқ саломатлиги йўлида». 10.35-10.55 «Пойтахт». Ахборот дастури (рус тилида). * * * 17.55 Кўрсатувлар тартиби. 18.00, 21.00, 22.30, 00.05 «Пойтахт». Ахборот дастури. 18.20 «Спорт оламида». 18.40 «Экспресс» телегазетаси. 19.05, 20.15 «Табриклаймиз, кутлаймиз». 19.35 ТТВда сериал: «Қора дур доналари». 21.20 «Омад» тележурнали. 22.20 «Долзарб мавзу». 22.50 «Экспресс» телегазетаси. 23.15 Оҳанглар ва эълонлар. 23.20 ТТВда сериал: «Машҳур ва бадавлат одамлар». 00.25 «Хайрли тун, шаҳрим!»

«Халқаро» телеканал

РЖТ 6.30-8.00 * 14.50 -15.50 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ. * 15.50 Кўрсатувлар тартиби. 15.55 «Бобил минораси». Телесериал. 17.00 Мультчархпалак. 17.20 «Бугун оламда». Ахборот дастури. 17.35 «Британия кундалиги». 17.55 Нанто шаҳридаги хореография марказининг «Ғаройиб саргузашт» спектакли. РЖТ 19.05 «Мени кутгил». 19.45 «Хайрли тун, кичкинтойлар!» 20.00 «Время». * 20.50 «Дил изҳори». 21.10 «Граф Монте Кристо». Телесериал. 22.00 «Вести». 22.30 «Дил изҳори». 23.10 «Минг иккинчи кеча». 23.30 «Ахборот» (рус тилида). 23.55 Кинематограф. Коломбо «Конспираторлар». Бадиий фильм. 1.25 «Тунингиз осуда бўлсин!»

ЧОРШАНБА, 5

«Ўзбекистон» телеканали

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» 8.00-8.35 «Ахборот». * 8.35 Марказий газеталар шарҳи. 8.50 «Дутор ва танбур тароналари». 9.15 «Маърифат». Телеальманах. 9.30 ТВ-клип. 9.40 «Ўзбектелефильм» намойиши: «Чемпионлар». 10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгиликлар. Болаларнинг ёзги таътил кунларида. 10.05 «Қўғирчоқлар жонланганда». 10.30 «Қўшиғим - жон қўшиғим». 10.50 Кундузги сеанс: «Орзулар камалаги». Бадиий фильм. 12.05 «Мураббий». Спорт дастури. 12.20 ТВ-анонс. 12.30 «Камолот сари». 12.50 «Севги сурури». Мусиқий дастур. 13.20 Телевизион новеллалар театри. 14.10 «Авестонинг 2700 йиллиги олдидан. «Мен ҳақиқатни сўзлагувчиман». 14.25 ТВ-клип. 14.35 «Талабалик йилларим». 14.55 ТВ-клип. 15.00 «Остонаси тиллодан». Адабий кўрсатув. 15.25 «Нотаниш дил суҳбати». 15.40 «Эркакли уй». Бадиий фильм. 17.05 ТВ-анонс. 17.15 «Тафаккур ва тақдир». 17.30 «Рақслар гулдастаси». 17.50 «Иқтисод ва биз». 18.10 Болалар учун. «Кичкинтоймиз-ғижингтоймиз». 18.30 «Тўртинчи ҳокимият». 18.45 «Мусиқа бекати». 18.50 «Буни умр дерлар». 19.05 «Инсон ва қонун». 19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Эълонлар. 19.30 «Ахборот» (рус тилида). 20.00 Оқшом эртаклари. 20.15 «Таълим-тарбия миллий дастури амалда». 20.30 «Ахборот». 21.05 «Ўзбекистон Ватаним маним». Ўзбекистон Республикаси Ички Ишлар Вазирлиги кўрик танлови ғолибларининг концерти. 21.45 «Австралиянинг ёввойи табиати». Телесериал. 2-қисм. «Тунги ҳамроҳ». 22.40 1. «Самарқанд оқшомлари». 2. У. Хошимов. «Янга». Теленовелла. 23.20 «Ахборот». 23.55 «Инсон қалби ҳақида қисса». Бадиий фильм. 1-қисм. 00.55-1.00 Ватан тимсоллари.

«Ёшлар» телеканали

8.55 Кўрсатувлар дастури. 9.00 «Давр». Ахборот дастури. 9.15 «Янги авлод»: «Соғлом авлод». Телеўйин, «Мультптомоша». 9.50 «Мусиқий лаҳзалар». 10.00 «Давр»-интервью. 10.15 «Жаҳон жўғрофияси». «Ёнар қоялар». 11.05 «Мусиқий лаҳзалар». 11.15 «Муҳаббат қаҳваси». Телесериал. 12.00 «Мусиқий дастур». 12.20 «Таянч». 12.35 «2000 йилдан сўнг». Телесериал. 46-қисм. 12.55 «Мусиқий лаҳзалар». 13.00 «Хайрат». 13.20 «Бахт гуллари». Телевизион бадиий фильм. 1-қисм. 13.50 «Мусиқий лаҳзалар». 14.00 «Даллас». Телесериал. 14.45 «Ёшлар куйлайди». 15.05 «Ватан манзаралари». 15.25 «Ёзги таътил». «Самовий саргузаштлар». Видеофильм. 16-қисм. 15.50 «Хит-коллекция». 16.20 «Янги авлод»: «Қувноқ учрашув», «Мультптомоша». 16.55 «Мусиқий дастур». 17.10 «Болажон». 17.25 «Тамаддун» маърифий дастури: Миср. 18.35 «Далил ва шарҳ». 18.45 «Мусиқий лаҳзалар». 18.55 «Иқлим». 19.00 «Давр». Ахборот дастури. 19.30 «ТВ-анонс ва эколаш». 19.35 «Сийрат». 19.55, 22.30 Эълонлар. 20.00 «Спортлото». 20.10 «Ракурс». 20.30 «Мени тушун...» Телеўйин. 20.55 «Мусиқий лаҳзалар». 21.05 «Эркин фикр». 21.30 Шуҳрат Қаюмов куйлайди. 21.50 «Каталог». 21.55 «Иқлим». 22.00 «Давр». Ахборот дастури. 22.30 «Мусиқий лаҳзалар». 22.40 «Эколаш». 22.45 «Муҳаббат қаҳваси». Телесериал. 23.30 «Давр». Ахборот дастури. 23.45 «Ёшлар» телеканалида футбол: «Евро-2000» энг яхши ўйинлари. 1.15-1.20 «Хайрли тун».

«Тошкент» телеканали

7.30 «Соғлом бўлай десангиз». 7.40 «Пойтахт». Ахборот дастури. 8.00 «Экспресс» телегазетаси. 8.25 «Дилором наволар». 8.45 «Омад» тележурнали. 9.45 «Спорт оламида». 10.05 Болаларнинг ёзги таътил кунларида. «Шумтакалар». Мультфильм. 39, 40-қисмлар. 10.35-10.55 «Пойтахт». Ахборот дастури (рус тилида). * * * 17.55 Кўрсатувлар тартиби. 18.00, 21.00, 22.30, 00.05 «Пойтахт». Ахборот дастури. 18.20 «Хусусийлаштириш: қадам-бақадам». 18.40 «Экспресс» телегазетаси. 19.05, 20.15 «Табриклаймиз, кутлаймиз». 19.35 ТТВда сериал: «Қора дур доналари». 21.20 «Омад» тележурнали. 22.20 «Осойишталик фидойилари». 22.50 «Экспресс» телегазетаси. 23.15 Оҳанглар ва эълонлар. 23.20 ТТВда сериал: «Машҳур ва бадавлат одамлар». 00.25 «Хайрли тун, шаҳрим!»

«Халқаро» телеканал

